

2001-yil fevral oyidan
chiqa boshlagan

Buyuk kelajakni birga quramiz!

Ijtimoiy-siyosiy,
ma'naviy-ma'rifiy,
adabiy-badiiy gazeta

2025-YIL, OKTABR,
№ 19-20 (553-554)

BUKHORO YOSHILARI

1 ОКТЯБРЬ — УСТОЗ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ



БУГУН ТАЪЗИМ КУНИДИР

Меҳр нури ёғар доим кўзингиздан, устозлар,
Юрсам дейман, бу табаррук изингиздан, устозлар.

Чин инсонлик китобига бахту ҳикмат битибсиз,
Одоб ила билим олдим сўзингиздан, устозлар.

Қалбингизнинг йўқ ғубори, меҳрибонсиз шунчалар,
Қуёш олмиш ҳароратин юзингиздан, устозлар.

Фан боғининг боғбонисиз, чароғбонсиз кўнгилга-ё,
Минг эҳтиром ўғлингиздан, қизингиздан, устозлар.

Жой олдингиз бир умрга шогирд юрак тўридан,
Мўмин ҳаёт дарсин ўқир ўзингиздан, устозлар.

Меҳр нури ёғар доим кўзингиздан, устозлар...

Устозларга таъзим қилмоқ ҳар шогирднинг қалб истагига айланиши керак.

Шавкат Раҳмонов,
Бухоро вилояти Ёшлар ишлари
бошқармаси бошлиғи

Ҳар бир инсон ҳаётида унутилмас шахслар бўлади — камида бир марта, бир зумга бўлса ҳам унинг ҳаётига ёруғлик олиб кирган, тўғри йўл кўрсатган, қалбдаги имкониятлар эшигини очган бир зот. Бу зотлар — Устозлардир. Улар китобдан ҳам олдин ҳаётни ўргатган, ҳарфдан аввал ҳурматни сингдирган, фанни ҳам, фазилатни ҳам таълим қилган буюк инсонлардир.

Ўзбекистонда ҳар йили 1 октябрь санаси юртимиз келажаги бўлган ёш ав-

лодни тарбиялашда беқиёс ҳисса қўшган устоз ва мураббийларнинг хизматларини эътироф этиш кунини сифатида нишонланади. Бу кун, нафақат, миннатдорлик ифодаси, балки, маънавий қарзни адо этиш кунидир.

Устозлик касб эмас. Улар шунчаки фан ўргатмайди, улар инсонни инсон қилади. Ҳар бир атоқли олим, ҳар бир ардоқли юрт хизматчиси, ҳар бир соҳа қаҳрамони — ўз вақтида унинг дарсларига қатнашган, танбеҳларини эшитган, унинг қалбидан бир парча олган шогирдлардир.

Кимдир алгебрани ўргатди, кимдир адабиётдан завқ берди, бошқаси эса

ҳаётга муҳаббат уйғотди. Устозлар бизга китобни эмас, уни қандай ўқишни ўргатишди. Улар ҳақиқатни айтди. Баъзан эса жим туриш билан ҳам дарс бердилар. Улар билим билан қўллаб-қувватлашди, қалб билан эса қувват бағишлашди.

Мураббийлар ёш авлод қалбига меҳр, ирода, интизом, ватанпарварлик ва фидойилик уруғини эккан нуроний зотлардир. Улар спорт залида, саҳнада, ҳарбий сафларда ёки турли тўғаракларда болаларни фақат ҳаракатлантириш эмас, юракларини тарбиялаш билан ҳам машғул бўлишади.

Ҳар бир катта ютуқ ортида сабр билан йўл кўрсатган, қийин пайтларда елка бўлган, ютқизган вақтда руҳий кўмак берган мураббийнинг қўли бор. Улар шогирдларининг югуришидан, қўшиқ айтишидан, ғалабасидан ўзининг бахтини топади.

Бугун фақат, устозлар кунини эмас, балки таъзим кунидир. Синфларда, кутубхоналарда, лабораторияларда, мусиқа залларида, машқ майдонларида, ҳаётнинг ҳар бурчагида хизмат қилаётган барча устоз ва мураббийларга таъзим қилишдан ийманманг. Зеро, улар орқали миллат юксалади, улар орқали авлод камол топади.

Ким билади, балки, бир фарзанднинг кўзида ёғду бўлиб порлаётган орзулар айнан бугун дарс бераётган устознинг меҳнатидир. Келажақдаги алломалар, олимпиада чемпионлари, шоирлар, муҳандислар, табиблар — бугун устознинг сўзларини тинглаётган болалардир.

Бир шогирд устозини унутмас экан, бир авлод ўз мураббийларини қадрлар экан — миллат ўз келажагини қафолатлаган бўлади. Шунинг учун ҳам, ҳар октябрь, нафақат байрам, эътироф ва шукроналик кунини ҳамдир.

Ҳар бир инсон ўз устозини ёдга олсин. Бир сўз билан бўлса ҳам, бир дуо билан бўлса ҳам. Чунки, ҳақиқий устозларга миннатдорлик гап билан эмас, амал, фидойилик ва ватанга хизмат орқали ифода этилади.

ОББО-О, ЯНА ОБУНАМИ, ДЕМАНГ!

Сарлавҳани ўқиб, “Оббо, яна обуна бошладими?” деганлар ҳам,
“Обуна нархи чўнтақбоп экан, обуна бўлиш керак!” деганлар ҳам топилади.

Ҳар икки муносабатда ҳам ҳақсиз! Келгуси 2026 йил учун обуна мавсуми бошланди. Бироқ, бошқа нашрларга қараганда, қулай нархда. “Бухоро yoshlari” газетаси, нафақат, вилоятдаги, балки, республикадаги қатор нашрлардан фарқли ўлароқ, қийин иқтисодий шароитларга қарамай, йил давомида узлуксиз чоп этиб келинмоқда. Энг сифатли, энг арзон ва чўнтақбоп ёшлар нашридан узоқлашманг!

Таҳририят орқали 1 дона газета:

якка тартибдаги обуначилар учун обуна нархи – 305 000 сўм;
идора ва ташкилотлар орқали 350 000 сўм қилиб белгиланди.

Бухоро вилояти “Матбуот тарқатувчи” МЧЖ орқали 350 000 сўмни;
“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Бухоро филиали орқали эса – 411 750 сўмни ташкил қилади.



БИЗ БИЛАН БИРГА
ҚОЛИНГ!





Видеолавҳани QR орқали кўринг.



Бухоролик икки ёшга “Президент совғаси” – BYD автомобили берилди



ЁШ ОЛИМНИНГ МИКРОГЭС ЛОЙИХАСИ ПРЕЗИДЕНТ ЭЪТИРОФИДА

Ёшлар ғояси — келажак сари йўналган дастур. Буни Бухоро вилоятидан бўлган иқтидорли ёш олим Абубакир Атоевнинг ютуғи яна бир бор тасдиқлади. У яқинда ўтказилган “Энг яхши ғоя” республика танловида ғолибликни қўлга киритиб, Президент совғаси — BYD автомобили билан тақдирланди.

Абубакир Атоевнинг ғояси — сув ресурсларидан янада самарали фойдаланиш орқали электр энергиясини ишлаб чиқаришни кўзда тутди. У тадбиқ этаётган “Сув тақсимлаш иншоотлари учун вертикал ўқли микроГЭС” лойиҳаси илмий, балки амалиётга яқин, инновацион ёндашувдир.

— Тадқиқотимнинг асосий мақсади, — дейди Абубакир, — мавжуд сув тақсимлаш иншоотларидаги оқимлардан унумли фойдаланиб, энергия ишлаб чиқариш жараёнини йўлга қўйишдир.

Мамлакатимиздаги кўплаб каналларда сув оқимидаги потенциал энергиядан тўлиқ фойдаланилмапти. Бу имкониятни “вертикал ўқли микроГЭС” технологияси орқали рўёбга чиқариш мумкин, — деди ёш олим.

Унинг таклиф қилган технологияси техникавий жиҳатдан, шунингдек,

иқтисодий ва экологик томонлама ҳам фойдалидир. МикроГЭСлар сув оқимидан фойдаланиб, табиий муҳитга зарар етказмаган ҳолда электр энергиясини ишлаб чиқаради. Бу эса қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш сиёсатига тўлиқ мос келади.

Лойиҳа амалга ошса, у нафақат қишлоқ хўжалиги соҳасидаги сув иншоотларининг функционал самарадорлигини оширади, балки, энергетика мустақиллигига ҳам ўз хиссасини қўшади.

Абубакир Атоев каби ёшлар — бугунги Ўзбекистоннинг илғор фикрли, ташаббускор ва инновацион келажакнинг асосий етакчиларидир. Улар томонидан ишлаб чиқилаётган ғоялар, нафақат, мамлакат иқтисодиёти, балки глобал экологик муаммоларни ҳал этишда ҳам муҳим роль ўйнаши мумкин.



Буюк Британиядан Қизилравотгача: ОЛИС ҚИШЛОҚҚА ИЛМ ОЛИБ КИРГАН БИЛЛУРА

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманига ташриф буюриб, ўқитувчи ва мураббийлар билан мулоқот қилди. Бунда мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган самарали ишлар ва соҳа юзасидан келгусидаги режалар ҳақида сўз борди. Энг муҳими, таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган ходимлардан бир гуруҳига Президент томонидан давлат мукофотлари тантанали топширилди.

Мулоқотда фаол ва ташаббускор ўғил-қизлар сўзга чиқди. Улар орасида “Эл-юрт умиди” жамғармаси кўмағида Буюк Британиянинг Рединг университетини имтиёзли диплом билан тугатган бухоролик иштирокчи Биллура Икромов ва ҳам қатнашди. У юрт раҳбарига муваффақиятли лойиҳалари ва қўлга киритган натижалари ҳақида сўзлаб берди.

— Мен уйимиздан 230 километр узоқда, Хоразм вилояти ҳудудидан 5 километр масофада жойлашган чекка мактабга ҳар ҳафта қатнаб, инглиз тили фани ўқитувчиси сифатида иш бошладим. Бу мактабда инглиз тили фани ўқитувчиси йўқ экан. Икки йилдан буён ўқувчиларим инглиз тили фанидан илк ютуқларга эришмоқда. Улар фан олимпиадаларида ғолиб бўлди, тил сертификатларини қўлга киритди, — дейди айни пайтда Ромитан тумани Қизилравот қишлоғидаги 38-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси.

Ёш ўқитувчи Биллуранинг ҳаракатлари қўллаб-қувватланиб, Президент совғаси - BYD электромобили билан тақдирланди. Бухоро давлат педагогика институтида ташкил этилган тадбирда машина ўз эгасига топширилди экан, бу хушxabар бухороликларни бирдек қувонтирди.

Тадбирда Бухоро вилояти ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ботир Зарипов сўзга чиқди:

— Сиз, нафақат, хориждаги нуфузли таълим муассасасини муваффақиятли тамомлаб қайтган, балки олис Қизилравот қишлоғига бориб, бир неча йилдан буён инглиз тили ўқитувчиси бўлмаган мактабда фаолият бошлаб, самарали натижаларга эришган педагог сифатида эътирофга лойиқсиз, — деди вилоят раҳбари. — Энг муҳими, сиз, ўқитувчи, ташаббускор, илгор гоёлар муаллифи, лидер сифатида кўплаб лойиҳаларни амалга ошириб, мамлакатимизга инвестициялар олиб киришга ҳисса қўшаётганингиз бу ҳақиқий фидойилик намунасидир.

ПЕКИНДА ОЛИНГАН ТАЖРИБА — ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ЯНГИ ТУРТКИ

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда маҳаллада фаолият юритаётган ёшлар етакчиларининг салоҳиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ёшларимиз учун хорижий давлатларда малака ошириш, илгор тажрибани ўрганиш имкониятлари яратилмоқда.



Яқинда шундай имкониятдан Шофиркон туманидаги “Гулистон” маҳалласи ёшлар етакчиси Феруз Исроилов ва “Котиён” маҳалласи ёшлар етакчиси Маъруф Тешаев фойдаланишди. Улар Хитой Халқ Республикасининг пойтахти Пекин шаҳрида жойлашган Давлат бошқаруви миллий академиясида малака оширишди.

Ушбу академия Хитойда давлат хизматчилари ва раҳбар кадрлар учун энг нуфузли ўқув масканларидан бири ҳисобланади. Ўқув жараёнида ёшлар етакчилари давлат бошқаруви, стратегик режалаштириш, инновацион менежмент, ижтимоий ривожланиш, ёшлар сиёсати каби долзарб йўналишларда ўз билим ва кўникмаларини бойитдилар.

Бундан ташқари, улар ёшлар бандлигини таъминлаш, касб-ҳунарга йўналтириш, стартаплар ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича Хитой амалиёти билан танишиб, мазкур тажрибаларни маҳаллий

шароитда татбиқ этишга тайёр ҳолда қайтишди.

— Пекиндаги малака ошириш курслари биз учун катта мактаб бўлди. Ўрганган билим ва гоёларимизни маҳалламиздаги ёшлар ҳаётига жорий этиш орқали улар учун янада кўпроқ имкониятлар яратишни мақсад қилганмиз, — дейди ёшлар етакчилари.

Хорижий тажриба етакчилар фаолиятини янада самарали ташкил этиш, ёшларда етакчилик кўникмаларини шакллантириш ҳамда уларни келажакка ишонч билан интилишга ундашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шухрат Шомуродов,
Вилоят Ёшлар ишлари
бошқармаси маҳалладаги
ёшлар етакчилари фаоллигини
мувофиқлаштириш бўйича бош
мутахассиси



Хар бир соҳанинг ўз машаққати, масъулияти бор. Айниқса, ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ йўналишда билим бериш катта тажриба, сабр ва масъулиятни талаб қилади.

Видеолавҳани QR орқали кўринг.



РУЛ ОРТИДАГИ ТАЖРИБА МАКТАБИ

Бухоро туманидаги Янги-Обод қишлоғида туғилган Жаҳонгир Солиев ёшлигиданоқ ҳаракат воситаларига қизиққан. Шу иштиёқ билан 2001 йилда Бухородаги “Ватанпарвар” автомактабида ҳарбий кафедранинг тамомлаб, ҳайдовчилик соҳасига илк қадам қўйган. 2002 йилда ҳайдовчилик гувоҳномасини қўлга киритгач, йигитлик бурчини бажариш учун Фарғона вилоятида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган. Бир йилдан ортиқроқ вақт давомида ҳарбий хизматда бўлиб, шу соҳада ўз фаолиятини давом эттиришни мақсад қилган.

— Болаликда ҳарбий аскарларни кўриб, келажакда уларнинг формасида юртни ҳимоя қилаётганимни тасаввур қилганман. Ҳарбий хизматни ўтагач, менда шу тасаввурни ҳақиқатга айлантириш имконияти пайдо бўлди. Дастлаб, Тошкент Сержантлар тайёрлаш мактабида 6 ой таҳсил олдим. 2005 йилда Ўзбекистон Республикаси халқ хизмати Ватан ҳимоячиси сифатида жамоат тартибини сақлаш бошқармасида иш бошладим. Миллий гвардия ходимлари сафида эса 7 йил фаолият юритдим ва нафақага чиқдим, — дейди Жаҳонгир Солиев.

Нафақага чиққанидан сўнг ҳам меҳнатдан тўхтамади. Фуқаролар тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашга ҳисса қўшишда давом этишни режа қилди. Шу йўлда қизиқувчиларга ҳайдовчиликни сирларини ўргатишни истади. Илгари ҳарбийликда

кўплаб шогирдлар тайёрлаган бўлса, ҳозирда аҳолига машина ҳайдашни ўрганишда устозлик қиляпти.

2025 йилда хусусий автомактабда инструктор сифатида иш бошлади ва қисқа фурсат — 9 ой ичида юздан ортиқ шогирдлари ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлди. Унинг сабр-тоқати, йўл ҳаракати қоидалари бўйича чуқур билим ва тажрибаси ёшларнинг ишончини қозонди.

— Машина ҳайдаш фақат техника эмас, балки, масъулиятдир. Шогирдларимга “биринчи ўринда рулни бошқараётганда одамлар ҳаёти учун жавобгарсиз”, — деб ўргатаман. Чунки, биргина хато ёки билимсизлик минглаб талофатга сабаб бўлиши мумкин. Ўрганувчиларнинг бири дадил бўлса, бошқаси кўркўв билан машинани бошқаради. Шунинг учун устоз сифатида, аввало, уларни иродали бўлишга даъват қиламан, — дейди устоз.

Бугун Бухорода кўплаб ёшлар ҳайдовчилик сирларини айнан шу устоздан ўрганаётгани бежиз эмас. Чунки, у фақат ҳайдовчиликни эмас, балки, машина ҳайдаётганда ҳам, ҳаётда ҳам хотиржам бўлиш, шовша-шошарликни унутиш кераклигини ўргатаётган тажрибали устоздир.

Зулфизар Мавлонова,
“ВУО” мухбири.

Одамлар ҳаётида тўғри йўлни кўрсатадиган, қалбида умид чироғини ёқадиган ва қийин дамларда елкадош бўладиган киши учрайди. Мен учун ана шундай инсон — биринчи устозим Саодат Самандарова бўлди. У киши менинг ҳаётимда шунчаки ўқитувчи эмас, балки қалбимга йўл топа олган, руҳимни қувват билан тўлдирган ҳақиқий мураббий эди.



Ўқувчилик йилларимда кўп ҳолларда иккиланардим. Қарор қабул қилишда қатъият етишмасди, турли танловларда иштирок этишга ботина олмасдим. Қаламимда сўз бор эди, аммо қалбимда ишонч кам эди. “Кўлимдан келмайди”, деган фикр онгимга миҳдек қадалар, илгариларга ғов бўларди.

Ана шундай вақтда устозимнинг қалбдан чиққан бир сўзи мен учун бутунлай янги ҳаёт эшигини очди: “Сен уйдаясан, мен сенга ишонаман. Ҳаёт кўрқоқлар учун омадсиз келади”.

Бу сўзлар мен учун шунчаки далда эмас, балки парвозга чорловчи қанот бўлди. Илк бор минбарга чиққанимда, танловларда иштирок этган пайтларимда айнан ўша ишонч мени олға етаклади. У киши менга дарс эмас, ҳаёт сабоқларини ўтган: қандай қилиб инсон бўлишни, синувлар олдида енгилиш эмас, тик туришни ўргатган.

Шунда англадимки, ҳақиқий устоз фақат фан ўргатувчи эмас. У инсон шогирд қалбига ишонч уруғини очадиган, ундаги кучни уйғотадиган нурли шахсдир. Агар устозим бўлмаганида, эҳтимол, менинг ҳаёт йўлимда нур кам, ҳаракатларим эса самарасиз бўларди. Устоз қўлида очилган гуллар ҳаётда ҳам гуллаб-яшнайдилар.

Ҳар бир ютуғимда ўзимга бир савол бераман: Агар устозим бўлмаганларимда, манзилим қаер бўларди? Жавоб эса ҳар доим битта — йўқотганларим топганларимдан кўп бўларди...

Бизга илм эшикларини очган, оқу қорани ажратишни ўргатган, қалбимизга дадиллик ва ишонч руҳини сингдирган устозлар олдида бир умр миннатдоримиз. Улар, нафақат, билим,



балки ҳаётнинг ўзига йўл кўрсатган инсонлардир.

Ҳақиқий устоз — бу эзгулик уруғини қалбларга сепадиган, шогирд тақдирига бефарқ бўлмайдиган, юрагида меҳр ва садоқат яшайдиган зотдир. Менинг бахтим шундаки, ана шундай инсоннинг шогирди бўлдим.

Асал Жуманиязова,
Бухоро давлат педагогика
институтини 3-босқич талабаси.

ЖАРОҲАТСИЗ СПОРТЧИ – ҲАҚИҚИЙ СПОРТЧИ ЭМАС

Спортзалга кириб борар эканман, у уйимдек қадрли бўлганини, спорт эса менинг ажралмас қисимимга айланганини ҳис этаман. У ҳаётимга мазмун қўшди. Чунки, спортга 6 ёшимдан қадам қўйганман ва ўшандан буён ҳар тонгни спорт билан бошлайман. Спортга қизиқишим ва ҳаракатларимни пайқаган онам ва холам мени Бухоро шаҳридаги гимнастикага ихтисослаштирилган спорт мактабига олиб боришган. Илк бор залга кириб борганим кечаги кундек ёдимда. Ўшанда гимнастикачи қизлар ўртасида мусобақа ташкил этилган бўлган. Спортчилардек кийинган, бўйлари баланд қизларнинг медал олаётганини кўриб, ҳавасим келган. Шу кундан гимнастикага қизиқишим бошланган.

Тўрт-беш йил давомида бадий гимнастика билан шуғулландим. Екатерина Петрова ва Рима Хохлова менга мураббийлик қилишган. Кундан-кунга гимнастика бўйича маҳоратим ошиб борди. Аммо, турли сабабларга кўра, орада узилиш бўлди. Шундай бўлса-да, спортдан воз кечмадим. Вақт ўтиб, яна спортга қайтдим. Лекин, энди бадий гимнастика билан эмас, спорт гимнастикаси билан шуғуллана бошладим. Бадий гимнастикада кўпроқ эгилувчанликка урғу берилса, спорт гимнастикаси куч ва

иродани талаб қилади. Менга энг маъқули ҳам шу бўлди. Машғулотларда қувват, чидам ва ирода мустаҳкамланади. Ўзимда шу хислатларни шакллантира олдим ва Республика миқёсидаги мусобақалар, очик чемпионатлар ҳамда турнирларда биринчи, иккинчи ўринларни қўлга киритдим. Бу эса малакали тренер бўлишимда катта тажриба бўлди. Шу тарзда ўз устимда ишладим ва нихоят, 2011 йилдан спорт мураббийси бўлиб иш бошладим. Бир вақтнинг ўзида ҳам талабалик даврини сурдим, ҳам ёш спортчилар билан ишладим.

Касбимни чиндан яхши кўраман. Спорт менга ирода берди. Энди эса мен бу иродани болаларга ўргатишни ўзимнинг асосий

вазифам, деб биламан. Чарчоқни асло сезмайман, болалар билан ишлаш менга куч беради. Агар улардан бири қайсидир

машқни мукамал бажарса, юракдан қувонаман — меҳнатим самара берганини ҳис қиламан.

Мураббий сифатида эътиборимни, аввало, болаларнинг эгилувчанлигига, қомати ва руҳий соғломлигига эътибор қаратаман. Машқлар жараёнида улар иродали бўлиши керак. Шунинг учун ҳам руҳий тетиклик ва барқарор чидам талаб қилинади.

13 йиллик тренер сифатида шуни айтишим мумкинки, жароҳат олмаган спортчи ҳақиқий спортчи бўла олмайди. Яхши мураббий бўлиш учун эса унинг ўзи шу машқларни бажарган бўлиши зарур. Шунинг учун мураббий ҳам ўз тажрибасидан келиб чиқиб, болага қайси машқда қийналаётганини ёки қаерда оғриқ сезаётганини ҳис қилган ҳолда йўл кўрсатиши муҳим. Фақат шундагина машқни тўғри ва осон ўргатиш мумкин.

Мадина Раҳматуллаева,
болалар спорт
гимнастикаси бўйича
тренер-ўқитувчи.



Видеолавҳани QR орқали кўринг.

МЕНИНГ ЮТУҒИМ – КАСБИМ



Ҳар бир инсоннинг ҳаётида танлаган йўли, олий мақсади ва ишончли қадамлари бўлади. Устозлик – инсон қалбидан из қолдириш санъати. Шу сабабли устоз бўлиб яшаш – менинг ҳаёт йўлим, танловим ва бахтим.

Талабалик давримдан бошлаб, ҳаётимни таълим билан боғладим. Бухоро давлат университетидаги талабалик йилларим мен учун катта мактаб бўлди. Ўқув аудиторияларида ўтган соатлар, китоблардан олинган билим, орттирилган тажрибалар – ҳаммаси кейинги ҳаётим учун пойдевор бўлиб хизмат қиляпти.

Дастлаб, Бухоро шаҳридаги 38-сонли умумий ўрта таълим мактабидан дарс бердим. Ўқитувчиликнинг илк кунлари ҳали ҳам ёдимда. Синфга кирган болаларнинг кўзларида олов бор эди. Уларни ҳар кўрганимда,

ўқувчилар, албатта, хорижий тилда гапира олиши кераклиги ва бу менинг масъулиятим эканлигини ҳис қилганман. Устоз бўлиш давомида ўзимнинг ҳам педагогик қобилиятларимни мустаҳкамладим. Ҳар бир саволга жавоб излаш, ўқувчини руҳлантириш ва уларни катта мақсадларга ишонтириш менга устозликнинг ҳақиқий моҳиятини ўргатди.

2022-2024 йилларда Бухоро давлат университетида магистр сифатида таҳсил олдим. Ўз соҳамда билимларимни мустаҳкамладим. Бугун эса Бухоро Педагогика институтини инглиз тили фани ўқитувчисиман. Ҳар бир дарс мен учун — янги кашфиёт, янги йўл саналади. Устоз сифатида грамматика ёки луғат бойлигини оширишга кўмаклашибгина қолмай, уларда замонавий дунёда эркин мулоқот қила олиш кўникмаларини ҳам ўргатишга ҳаракат қиламан.


Ўқувчи ва талабаларим билан бирга ўсиш, уларнинг орзуларига йўл очиш масъулиятини доимий ҳис этаман.

Ҳар бир талабамнинг муваффақияти энг катта ютуғим. 50 дан ортиқ ўқувчиларим инглиз тили фанидан СЕФР ва IELTS сертификатларини олишга муваффақ бўлишган. Бир нечтаси ҳозир мендек устоз ва кўплаб ютуқларга эришяпти.

Менинг ютуғим эса – менинг касбим.

**Наргиза Раҳимова,
БухДПИ
ўқитувчиси.**

BUXORO YOSHLARI



Юртимизда ҳар бир соҳанинг ривожини, энг аввало, инсон ҳаракатига боғлиқ. Бу борада устоз ва ёшлар етакчилари каби маънавий камолот посбонларининг ўрни беқиёс. Улар бор экан, келажакка ишончимиз мустаҳкам бўлади. Қуйида ана шундай фидойи инсонлардан уч нафари билан танишинг.

ҲАЁТ САБОҒИ



Дилафрўз Ризаева:
“Устозлик — орзудан касбга айланган саёҳат”

Бухоро давлат Университети тарбиячи-ўқитувчисиман.

Устозлик касбини болалигимдан орзу қилганман:

Бу ишимни отам илк бор орзуга айлантирганлар. 2002 йилда Жондор туманида биология фанидан дарс бериб, устозлик йўлидаги илк қадамни қўйдим. Кейинчалик коллежда ҳам ёшлар билан ишлаш имкониятига эга бўлдим.

Ҳозирда Талабалар турар жойида қизларга тарбиячи-ўқитувчи сифатида фаолият олиб бормоқдаман.

Талабалар билан ишлаш мен



учун илҳом манбаи. Уларнинг билимга чанқоқлиги менга янада кўпроқ изланиш, янгилик яратиш кучини беради. Турли муҳитдан келган қизлар билан ишлаш масъулиятли, бироқ, руҳий бойитувчи жараён. Дардларини эшитиш, тўғри йўл кўрсатиш — менинг вазифам.

Орзу йўлидаги машаққатлар ҳам ширин, натижаси эса — ўз ўрнини топган ҳаёт бахти.

— Отажоним ҳаётимдаги энг катта устоз. У киши: “Адолатли бўл, ёшларга имконият ярат, улар билан индивидуал ишла”, деб ўргатганлар. Мен бу насиҳатлардан куч оламан.

Маҳаллада 1675 нафар ёш истиқомат қилади. Ҳар бир ёшнинг алоҳида дунё деб қабул қиламан:

Уларнинг қобилиятини очиш, муаммоларини ечиш, қувончу ғамларига шерик бўлиш — вазифам. Бу ишда фахр ва масъулиятни бирдек ҳис қиламан.

Ёшлар билан суҳбат, ҳамкорлик ва лойиҳалар орқали уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш — Мирфайзнинг асосий мақсади.



Мирфайз Мухаммедов:
“Ҳар бир ёш – алоҳида олам”

Бухоро тумани

“Работикалмоқ” маҳалласида ёшлар етакчиси бўлиб ишлаётган Мирфайз Мухаммедов ёшлар билан ишлашда отасининг насиҳатларини доимо ёдда тутди:

Муниса Саидова:
“Шогирдларим муваффақияти — энг катта мукофот”

Вобкент

туманидаги

24-умумий ўрта таълим мактаби

технология фани ўқитувчиси Муниса

Саидова бу соҳада 22 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда:

Ўқитувчилик мен учун шунчаки касб эмас, ҳаёт тарзига айланди. “Халқ таълими аълочиси” унвони билан тақдирланганим меҳнатларим эътирофи бўлди.

Унинг 100 дан ортиқ шогирди ўз ишини бошлаб, бизнес юритмоқда. Бу эса устознинг энг улуг натижаси.

Меҳнатга, ижодга бўлган меҳрим болалигимдан шаклланган. Мунчоқлардан ясалган дарахтлар, қўл меҳнати буюмлари ҳаётимнинг бир қисми. Ота-онам ҳам ўқитувчи бўлган. Оиламизда устозлик анъанаси авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

Унинг-ча, ўз ўрнини топган, мустақил фикрли шогирдлар тарбиялаш — энг улуг муваффақиятдир.

Дилафрўз Ризаева, Мирфайз Мухаммедов ва Муниса Саидова каби фидойиларнинг меҳнати туфайли жамиятимизда маърифат шамлари ёниб турибди. Улар ёшларга фақат билим бермай, балки, ҳаётда ўз йўлини топишда йўлбошчи бўлишмоқда. Ана шундай устоз ва етакчилар бор экан, келажакимиз тобора ёруғ ва барқарор бўлиши, шубҳасиз.

**Дилнавоз Тўхтаева,
“ВУО” муҳбири.**

ТАРБИЯДАГИ ХАТО — КЕЛАЖАКДАГИ ФОЖИА

Фарзанд — Аллоҳнинг энг улуг неъматларидан бири. Унинг туғилиши ҳар бир ота-она учун беқиёс бахт, улуг масъулият ва бебаҳо синовдир. Бундай буюк неъматга эга бўлган инсоннинг зиммасига оғир, лекин, шарафли бурч юкланади — фарзанд тарбияси.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Бир инсон фарзандига чиройли тарбиядан кўра афзалроқ мерос қолдирмайди” дея марҳамат қилганлар. Шунинг ўзиёқ бу масаланинг қай даражада муҳим эканини кўрсатади.

Ота-онанинг фарзандлар олдидаги учта асосий бурчи бор: вояга етказиш, таом ва кийим-кечагини таъминлаш, Илм ва ҳунар ўргатиш ҳамда Уй-жойли қилиб, оила қуришга йўл очиб бериш. Бу вазифаларни бажаришда ота-онанинг бой ёки камбағаллиги ҳал қилувчи омил эмас. Муҳими — ният, ихлос ва ҳаракат. Баъзан инсон бор-йўғини фарзанди учун сарфлайди. Қийинчиликларга қарамай, уни бахтли кўришни орзу қилади. Бироқ, шу йўлдаги машаққатларни, ҳатто, меҳрини ҳам фарзандлар ҳамма вақт ҳис қилавермайди.

Айрим болалар, айниқса, ўсмирлик ёшида, ота-онанинг ҳаракатларини қадрламай, “мени тушунишмади”, “имконият яратиб беришмади” деган хаёлга боради. Бу, албатта, тажрибасизлик ва ҳаётни тўлиқ тушунамсликдан келиб чиқади. Лекин, яна бир томонни ҳам унутмаслик керак: биз, ота-оналар, фарзандларимизни жуда эркалатиб юбормадикми? Ёки аксинча, уларга етарли эътибор бермадикми?

Ҳаётда барчамизда баҳоналар топилади: “Ишдан чарчаб келдим”, “Ҳамма нарсасини беряпман, бошқа нима керак?”, “Бола ўзи билсин, катта бўлди-ку!”

Бир қарашда ҳақ гаплар, аммо, аслида, фарзанд тарбиясидаги хатомизнинг юзи очила бошлайди.

Оилада бир неча фарзанд бўлса, ҳар биридан бир хил муносабат кутмаслик керак. Бир бола сиз айтган ишни “хўп” деб бажаради, бошқаси индамай, аммо, сидқидилдан адо этади. Яна бири айтилганни инкор қилади ёки умуман, эътибор бермайди. Биз эса, одатда, шу “инкор қилувчи” фарзандга қаттиқроқ муносабатда бўлаемиз. Ниятимиз яхши — уни ҳам юритиш. Аммо, нотўғри ёндашув натижасида у фарзанд биздан узоқлашади.

Айрим ота-оналар тарбияда қаттиққўлликни устун қўйишади. Талабчанлик, албатта, керак. Аммо, меҳрсиз талаб — болани юрагидан узоқлаштиради.

Бир устоздан эшитганман: “Болани жазоламасдан аввал ўзингиздан сўранг — у нимага бундай қилди?” Бу сўров жавоб бериш эмас, тўғри тарбиялаш йўлини топишга олиб келади.

Ота-оналар борини бериб, вақтини, маблагини, соғлигини сарфлаб, фарзандини оқлашга ҳаракат қилади. Аммо, баъзи ҳолларда фарзанд тарбиясида жиддий камчиликлар юзага келади. Масалан: миллий қадриятлардан йироқлашиш, нотўғри либослар — соч турмаги, йиртиқ шим, ғарбча кийиниш, интернетдаги назоратсизлик, мазмунсиз сериаллар, кинофильмлар таъсири. Бу ҳолатлар ёшларни



ўз “шахсий эрки”, “эркин фикр” деб номланадиган, аслида эса ўзбошимчалик йўлига бошлаб кетмоқда. Ота-она бефарқ бўлиб қолса, фарзанд тақдири кимнинг қўлида қолади?

Биз бир неча ота-она ва устозлардан сўрадик:

Шерзод ака, 48 ёшда, устоз:

“Ўғлим ёшлигида жуда шухратпараст эди. Мен унга муҳаббат билан, лекин, қаттиқ тартиб билан муносабатда бўлдим. У ҳозир яхши инсон, лекин, шу даражага келгунича ўзимни ютишга тўғри келди”

Гулнора опа, 37 ёшда, она:

“Қизимни жуда эркалатдим. Баъзи пайт эса ҳаддан ташқари, қаттиққўллик қилдим. Ҳозир ичига ёпиқ бўлиб қолган. Энди тушуняпман — орадан муҳаббат кетмаслиги керак экан”

Ислом ака, 65 ёшда, пенсионер:

“Бизнинг давримизда отанинг қарши гапирилмасди. Ҳозирги болалар мустақил,

лекин, биз уларни эшитишни ўрганишимиз керак. Эшитмасак — йўқотамиз”

Фарзанд тарбияси бу, нафақат, ота-онанинг вазифаси, балки жамиятнинг, мактабнинг, маҳалланинг ҳам масъулиятидир. Лекин, энг биринчи бўлиб у она қалбидан, ота меҳридан бошланади.

Бугун фарзандга вақт ажратмаган ота-она, эртага унинг кўз ёшида айбдор бўлади. Ўғлимиз ким билан дўст? Қизимиз нима ўқияпти? Улар юрагида қандай туйғулар бор?


Дилига қулоқ тутдикми?

Шу саволларни ҳар куни ўзимизга беришни одат қилайлик. Фарзанд тарбиясида кеч бўлишдан олдин, ҳали эрта эканида иш тутаяпмизми? Эсда тутайлик: “Фарзанд тарбиясида кичкина хато — катта фожианинг бошланғичидир”.

**Фарҳод Ҳафизов,
журналист (Самарқанд).**

САМОЛЁТГА ТАЛПИНГАН БОЛАЛАР

Ҳаво очиқ, осмон тинч-тинч. Қуёш ўзининг заррин нурларини ерга беаёв сепеди ва шу орқали фусункор табиатнинг ҳусну жамолини ер юзидаги жамики жонзотга кўз-кўз қилаётгандек бўлади, гўё. Шу пайт осмонда ўзининг гулдирос овози ила самолёт пайдо бўлади. У йўловчиларни манзилига етказиш мақсадида кўкда парвоз қиларди.



элларга кўпроқ пул топиш, қўп қаватли иморатлару қатор-қатор машиналар сотиб олиш мақсадида жўнаб кетаётган одамлар фарзандининг мана шундай ноласини тинглай олармикан?

Ҳаёт йўллари мураккаб, тўкин-сочин ҳаётни эса ҳаммамиз орзу қиламиз. Бироқ, бориға қаноат қилиб, турмушнинг муштига ҳам, ўзига хос алғов-далғовли йўлларига ҳам чидаб, доно халқимиз табири билан айтганда, тош келса кемириб, сув келса, симириб яшаш фақатгина ўзбекларагина хос фазилатдир. “Қаноатда гап кўп” дейди ота-боболаримиз. Аммо, нафс аталмиш иллат ҳамма вақт ҳамма ерда мавжуд. У бор экан, инсон сабр, қаноат каби тушунчалардан бироз йироқлашади. Бир пиёла сув билан босиладиган чанқоғимиз нафснинг измида бир коса сувни талаб этади.

Бироқ, шуни англамоқ керакки, инсон учун бу дунёнинг лаззатию роҳати фақатгина баланд иморатлару мол-дунё эмас. Балки, оила аталмиш муқаддас даргоҳда унинг аъзоларининг биргалиқда жамулжам бўлиб яшаши, ота-она ўз фарзандини тарбиялаб вояга етказиши, унинг илк қадамларини кўриши, ширин тилидан чиққан илк сўзни тинглаши, унга ҳаёт йўлларидан сабоқ бериб, панд-насиҳатлар қилишидадир. Мана шуларнинг барчаси инсон учун энг олий бахтдир. Бундай бахтни эса миллионларга сотиб

бошлади. Хўш, бундай “касаллик”нинг пайдо бўлишига нима сабаб бўляпти? Самолётнинг гулдирган овози-ю, самодаги кўланкасидан нажот сўраган болакайлар ноласи эмасми? “Қарс икки қўлдан чиқади” дейишади. Кутишларию ҳайқириқлари бесамар эканлигини англаган кичкинтойлар қалбидаги беғубор, худди навниҳол каби энди куртак ёзаётган меҳр жавобсиз қолғач, қаҳрга айланиб барқ урмайдими? “Касаллик” сабаби ҳам аниқланди. Энди уни даволаш қолди, холос.

Хўш, уни даволаш учун нима қилиш керак? Тиббиётдан бизга маълумки, инсон организмида қайсидир керакли модда етишмаса, даво ҳам айнаи ўша моддани қабул қилиш орқали амалга оширилади. Демак, “меҳр танқислиги касаллиги”нинг давоси ҳам айнан меҳрдир. Шу ўринда яна бир ҳақли савол туғилиши мумкин: Бу “касаллик” юқумлими? Ҳозирча бу касаллик юқумли эмас, аммо, кейинчалик секин-аста инсонлар орасида томир ёйиши мумкин. Касаллиқни даволагандан кўра, унинг олдини олган маъқул. Шунда муаммога йўл ёпилади.

Инсон кексайган чоғида меҳрга, эътиборга муҳтож бўлади. Ёшлигида етарли меҳр берсагина қариган чоғида уни фарзандлардан кута олади. “Нима эксанг – шуни ўрасан” дейишгани бежизга эмас.

Бугун биз истиқлол шарофати ила ном қозонган, дунё аҳли тан олган мамлакатда яшамоқдамиз. Қаерга боқмайлик, имконият, шарт-шароитлар мавжуд. Бутун жаҳон аҳли ўзбек ёшларига, улар эришаётган натижаларга ҳавас билан боқмоқда. Инсондан фақатгина ҳаракат ва меҳнат талаб қилинади. Ўз истеъдоди, билими ва салоҳиятини ишга солганлар эса ҳар соҳада ўз ўрнига эга бўлмоқда. “Ҳаракатда баракат”, деб шуни айтишса керак.

Шуни унутмаслик керакки, ўзга юртнинг сийму зари ўз юртининг бир ҳовуч тупроғига тенг кела олмайди! Бизга ўз юртида, мустақил ва озод бўлиб яшашдек буюк неъмат насиб этган экан, унинг қадрига етайлик. Қалбларимизни меҳр аталмиш туйғу ҳеч қачон тарк этмасин!

Дилнавоз Аслонова

Маҳалламиздаги ҳовлиларнинг биридан уч-тўрт ёшлар чамасидаги лўппи юзли, жажжи болакай оёқланг чопиб чиқди ва самода учиб бораётган самолётга қараб: “Дада, дадажон, қачон келасиз? Дадажон, мениям олиб кетинг, илтимос!” – дея қичқира бошлади. Унинг майин овози

жаранглаб, бутун маҳаллага эшитилар, гўё дадасини бутун дунёдан қидираётгандек эди.

Бу биргина болакайнинг ноласи эмас, балки, кўплаб гўдаклар ноласи. Отасини, онасини соғинган болакайларнинг уларга йўллаган соғинчли номасидир. Бугун чет

олиб бўлмайди ва бу ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бунга мушарраф бўлганлар учун эса ўзининг бахтини англай олиш ва унинг қадрига етиш бу буюк бахтдир!

Сўнгги пайтларда қўлоғимизга тез-тез “меҳр танқислиги касаллиги пайдо бўляпти”, – деган сўзлар чалина

СИЗНИ ЯХШИ КЎРАМАН, УСТОЗИМ!

Мен 3-синф ўқувчисиман. Бизнинг синфимизга устозимиз Муяссар Рўзиева дарс беради. У бошланғич синф ўқитувчиси.

Устозимизнинг барча дарслари биз учун жуда қизиқ ва тушунарли. Ҳар бир саволимизга жавоб бериб, қийналганимизда ёрдам қилади. Сабрли ва меҳрибон устозимизнинг бераётган билимлари бизга куч-қувват беради. Устозим доим “Мактабда аълога ўқишга ҳаракат қилинг, билим — энг катта бойлик”, -дейди. Шу сабабли биз китобларни яхши кўриб қолдик.

Бу йил устозим Муяссар Рўзиева нафақага чиқар экан. Биз учун бу унчалик ҳам ёқимли хабар эмас. Чунки, у бизга, нафақат, билим, балки, инсонийликни ҳам ўргатди. Шундай бўлса-да, у киши биз учун энг азиз устоз бўлиб қолаверади. Сизни яхши кўраман, устозим!

Алихан Хўжаев, Бухоро шаҳридаги 2-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси.



“Bolajon-PLANETA”

BOLAJON KUZATUVCHILARIMIZ “BUXORO YOSHLARI” GAZETASI SAHIFALARIDAN “BOLAJON-PLANETA” SAHIFASINING “YO‘QOLIB” KETGANIDAN SHIKOYAT QILISHDI.

BIZ BOLAJONLARIMIZNING SHIKOYATLARINI O‘RINLI, DEB BILIB, TEZDA UNI YANA QAYTA YO‘LGA QO‘YISHGA KIRISHDIK.

BU SAHIFA SIZLAR UCHUN, BOLAJONLAR!

“PLOMBIR” - MUZ ODAMMI YO MUZ QAYMOQ?

Bu savolni men va do‘stlarimga ko‘p bora berishadi. Hozir hammasini bir boshidan so‘zlab beraman. Bizning kashfiyotchilarimiz xitoyliklar hisoblanishadi. Ular muz yoki qorga meva bo‘laklari, sharbat, asal aralashtirishgan. Buvimlar aynan ular sutli muzqaymoqlarni — bizni tayyorlashgan, deyilar. Sut va qaymoqli muzqaymoqlar uzoq zamonlarda Fransiyaning Plober le Bem shahrida ixtiro qilingan. Shundan XIX-asr o‘rtalarida “Plombir” nomi kelib chiqqan.



G‘AROYIB OLAM

Aziz tengdoshim, bilamizki, har kuni qiziqarli ma‘lumotlarni birovdan eshitish yoki internetdan topish zerikarli mashg‘ulot. Shu sabab bugun biz siz kundalik hayotda foydalanadigan ayrim buyumlar, noyob o‘simlik va uchlar baliqlarni suhbatga taklif etganmiz. Ularning o‘zlari g‘aroyib ma‘lumotlar bilan sizni hayratda qoldirishadi:



TANGEMNING YORDAMCHISI



Sharq tabobati qadimdan biz jenshenlarni barcha kasalliklarga davo o‘simlik sifatida e‘zozlashgan. Bizning shaklimiz odam shakliga o‘xshash. Jensheni xitoy tilidan tarjima qilganda, odam giyoh, degan ma‘noni bilib olasiz. Biz Uzoq Sharqda, Xitoy va Koreyada o‘tib kelganmiz. Siz bilgan Tangem bizning ko‘p xususiyatlarimizni ochdi. Biz bahor va kuzda bo‘y ko‘rsatganimiz tufayli ancha noyob hisoblanamiz.

RUCHKALARNING “TUG‘ILISHI”

Qadimgi greklar metall yoki yog‘och uchli mum bilan qoplangan taxtachalarda yozishgan.

Ularni stilo, deb atashgan. Ammo, ularni bizning ajdodlarimiz ixtiro qilishgan, deb bo‘lmaydi. Xitoyliklar siyoh bilan yozishni eramizdan oldingi 2-ming yillikda boshlashgan.

Ular yog‘, jelatin va mushkni aralashtirishgan. 7-asrga kelib, pat bilan yozish boshlandi. G‘oz patlaridan tashqari, qarg‘a, burgut, boyo‘g‘li, lochin va kurkalarining patlaridan ham foydalanishgan. Keyinchalik metall ruchkalar, paydo bo‘ldi. 1884-yili Lyuis Vatterman siyoh dog‘i qoldirmaydigan ruchka o‘ylab topib, patent oladi. Siyoh pat uchiga bir teksda tushardi. Sharikli ruchkani, bizning yaqin o‘tmishdoshimiz - venger jurnalisti Laslo Biro 1938-yili ixtiro qilgan.



BALIQLAR HAM UCHADIMI?



Albatta, nima qanotlar faqat qushlarga berilganmi?! Baliqlar suvdan sakrab, yuz metrgacha uchishi mumkin. Ammo, biz, tarakoxaraksilar boshqa baliqlardan farq qilamiz. Biz suvdan chiqib qushlarning qanotlariga o‘xshash uzun suzgichlarimizni qoqib, 5-7 metr balandlikda uchamiz. Ushbu balandlikka ko‘tarilgach, suvga tushguncha, asta-sekin uchishda davom etamiz.

TISH PASTASI TARIXI

O, mening yaratilish tarixim uzoq asrlarga borib taqaladi. Xitoy, Hindiston va Misrda tishlarni tozalash uchun maxsus qorishma tayyorlashgan. Unga kuydirilgan hayvon tuyoqlarining kulini, tuxum po‘chog‘i va ko‘piktosh kukunini qo‘shishgan. Tish pastalar 18-asrning oxirlarida paydo bo‘lgan. Ajdodlarimiz forfor, chinnini tishlar uchun xavfli hisoblashgan. 1824-yili kukunga sovun, 1850-yili bo‘r qo‘shishgan. 1873-yili Colgate kompaniyasi zamonaviy tish pastalarning avlodini yaratgan.



ТАКРОРИЙ ЖИНОЯТ – ОҒИР ОҚИБАТ: СУД АДВОКАТ ШИКОЯТИНИ ИНКОР ЭТДИ

ФОҲИШАХОНА САҚЛАШДА ТАКРОРАН АЙБДОР ТОПИЛГАН ШАХСГА НИСБАТАН ЖАЗО ТАЙИНЛАНДИ

Бухоро вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясида жамоатчиликнинг эътиборини жалб этган жиноят иши — Г.Г.га нисбатан чиқарилган ҳукм юзасидан адвокат шикояти кўриб чиқилди.



Мазкур иш жиноят ишлари бўйича Қорақўл туман судининг 2025 йил 8 майдаги ҳукмига таяллуқли бўлиб, унда Г.Г. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 131-моддаси 4-қисми “б” банди (такроран, хавфли рецидивист томонидан фоҳишахона сақлаш)да назарда тутилган жиноятда айбли, деб топилган. Унга 2 йил 7 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган эди. Жазо умумий тартибдаги колонияда ўталиши белгиланган.

Апелляция шикоятда Г.Г.нинг адвокати судланувчининг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон экани, ижтимоий аҳволи ва саломатлиги, шунингдек, илгариги жазо муддатидан шартли равишда озод қилингани каби енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олишни сўраган. Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турини қўллашни талаб қилган.

Бироқ, иш судлов ҳайъати томонидан чуқур таҳлил қилиб, биринчи инстанция суди томонидан чиқарилган ҳукмни тўғри, асосли ва қонуний, деб топди.

Суд томонидан қайд этилган ҳолатларга кўра, судланувчи Г.Г. илгарироқ айнан шу

турдаги жиноятда — фоҳишахона сақлашда айбдор, деб топилиб, 2020 йилда озодликни чеклаш жазосига тортилган. Кейинчалик 2022 йилда шартли равишда озод этилган. Аммо, хулоса чиқармаган ҳолда 2024 йил октябрь ойларида яна икки маротаба такроран шу жиноятни содир этган.

Бу ҳолатда суд, нафақат, такроран жиноят содир этилганини, балки, унинг ғаразли ниятлар асосида, “осон пул топиш” мақсадида амалга оширилганини ҳам инобатга олган. Шу билан бирга, бу жиноят — жамиятда ва ёшлар орасида маънавий бузуқликни авж олдириш, инсон қадрини таҳқирлаш билан боғлиқ ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлган жиноят турларидан бири сифатида баҳоланган.

Мазкур ишнинг ҳуқуқий ва маънавий аҳамияти шундаки, суд томонидан фақат шахсий ҳолатларга эмас, балки, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, такрорийлиги, нияти ва жамиятга салбий таъсирига ҳам тўлиқ баҳо берилган. Шу орқали, судлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноий жазонинг мутаносиб ва тўғри қўлланилиши, жиноятчиликка қарши самарали курашда қонун устуворлигини таъминлаш йўлида иш олиб бормоқда.

Бу Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида мустаҳкамлаб қўйилган одил судлов принципларининг амалдаги ифодаси ва изчил татбиқ этилаётганининг яққол тасдиғи бўлиб хизмат қилади.

Нозимжон Жўраев,
Бухоро вилояти суди судьяси.



СУД — АДОЛАТНИ ТИКЛОВЧИ РАСМИЙ ОРГАН



Судда қонунга зид бўлган ишлар кўриб чиқилади ва қарор қабул қилинади — ким айбдор, ким ҳақ, қандай жазо ёки ҳал этиш чоралари қўлланилиши аниқланади. Суд тизимларига кириб келган шаффофлик — бу суд жараёнларининг очиқ ва адолатли тарзда ўтказилишини таъминламоқда. Ва бу жамоатчилик ва ОАВ учун фаолиятнинг ёпиқ эмаслигига ишонч ҳосил қилиш, демакдир.

Жиноят ишлари бўйича Қорақўл тумани суди фаолиятига назар ташланадиган бўлса, судларда ҳолислик ва масъулият ошган. Айниқса, судьяларнинг қарор қабул қилишда қонунга таянишлари, шахсий манфаатларни четда қолдиришлари судларнинг шаффофлигини таъминламоқда.

ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИК ВА МАЙДА БЕЗОРИЛИК УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАЗО ТАЙИНЛАНДИ

Яқинда кўриб чиқилган суд ишига эътиборимизни қаратамиз. Фуқаро Ф.Т. маст ҳолатда турмуш ўртоғига нисбатан оилавий зўравонлик содир этиб, уни ҳақорат қилган ҳамда енгил тан жароҳати етказган. Шу кунги у ИИБ ходимлари томонидан мастлик ҳолатини текшириш учун тиббиёт муассасасига олиб борилган, Ф.Т. жамоат тартибини бузиб, уятли сўзлар ишлатган ва ички ишлар ходимларининг қонуний талабларини инкор этган.

Тергов жараёнида фуқаро ўз айбини тўлиқ тан олган ва қилмишига пушаймонлигини билдириб, енгиллик сўраган. Жабрланувчи аввал ҳам эри томонидан зўравонликка учраб келган бўлса-да, ҳуқуқбузарга кечирим беришни сўраган.

— Шунга қарамайдан, суд ҳолатни одилона ва қонун асосида кўради. Айбдор зўравонлиги учун осонгина “қутилиб”



қолмайди: жинояти — жазога муқаррар.

Унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг турли бандлари қўлланди. Жаримага тортилиб, умумий тартибда 3 сутка маъмурий қамоқ жазоси белгиланди, — дейди Бухоро вилоят суди жиноят судлов ҳайъати судьяси Шухрат Тўхтаев.

ҲАЙДОВЧИ 3 СУТКАГА ҚАМАЛДИ

Ушбу суд ишида шахвоний шилқимлик қилган ҳайдовчининг хатти-ҳаракати кўриб чиқилган.



— Инсон шаъни — дахлсиз, уни таҳқирлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бу қараш Ўзбекистон Конституциясида ҳам ўз ифодасини топган. Аммо, афсуски, айрим шахслар жамиятдаги ахлоқий қоидалар ва қонунларга мутлақо бепарво ёндашишмоқда. Шундай ҳолатлардан бири Қорақўл туманида юз берди. Ҳайдовчининг хатти-ҳаракатлари судда кўриб чиқилди, — дейди жиноят ишлари бўйича Қорақўл туман суди тергов судьяси Дулмурод Қуллиев.

Ҳайдовчи Н.Х. ўз шахсий автомашинаси-га йўловчи сифатида чиққан фуқаро И.Х.га нисбатан шахвоний мазмундаги сўзлар билан таҳдид ва шилқимлик қилган. Йўл давомда иккинчи йўловчи туширилгандан сўнг, у ёлғиз қолган аёлга турли хил уятли гаплар айтган ва ноқулай ҳолатга солган.

Суд ҳужжатларига кўра, жабрланувчи И.Х. бу ҳолатдан қаттиқ жабрланган ва ҳолат тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилган. Суд мажлисида у ҳайдовчининг ноинсоний хатти-ҳаракатлар такрорлаб келаётганлигини айтиб, айбдорга нисбатан қатъий чора кўришни сўраган.

— Ҳайдовчи Н.Х. суд мажлисида ўз қилмишига тўлиқ иқдор бўлди ва пушаймон эканлигини билдирди. Унинг сўзларига кўра, у бу хатти-ҳаракатни “ёмон ниятсиз” содир этганини айтган бўлса-да, бу сўзлар жамият ва қонун олдида уни оқлаб қўймайди, — сўзида давом этади Дилмурод Қуллиев.

Суд, ишдаги барча далиллар, тушунтириш хатлари ва кўрсатмаларни инобатга олган ҳолда, Н.Х.нинг қилмиши Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 411-моддаси 1-қисми — шахвоний шилқимлик, деб квалификация қилинганини тасдиқлади.

АЁЛЛАРГА НИСБАТАН ҲАР ҚАНДАЙ ЗЎРАВОНЛИК, ТАҲҚИРЛАШ ВА КАМСИТИШГА МУТЛАҚО ТОҚАТ ЙЎҚ



Қуйидаги воқеа фақат ҳуқуқбузарга нисбатан жавобгарликини белгилаш эмас, балки, жамиятнинг ахлоқ ва қонунларга риоя қилишга даъват этиш мисолидир.

Ҳар бир фуқаро бошқа инсонларнинг шаъни, қадр-қиммати ва тинчлигини ҳурмат қилиш, қонунларга бўйсунушга мажбур, — сўзлайди Бухоро вилоят суди жиноят судлов ҳайъати судьяси Шухрат Тўхтаев, — маст ҳолда автомашина бошқарган ҳайдовчига нисбатан суд қатъий чора кўрди.

Қорақўл туманида жойлашган “Қорахожи” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги мол бозорида содир бўлган ҳолат жамоатчилик диққатини тортадиган воқеалардан бири бўлди. Бу ерда истиқомат қилувчи, ҳуқуқбузар сифатида танилган Б.И. спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда автомашина бошқарган ва у йўл ҳаракати хавфсизлиги қондаларини қўпол равишда бузган.

Қорақўл туман ИИБ профилактика инспектори томонидан ушбу ҳолат юзасидан тезкор равишда ҳуқуқий чора кўрилди. Айбдорга нисбатан ИИБ ЙХХБ ходими томонидан маъмурий баённома расмийлаштирилган ва тиббий кўрик натижалари орқали унинг маст экани тасдиқланган.

Суд ишни чуқур ўрганиб чиқиб, Б.И.нинг қилмишини Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 131-моддаси, 1-қисмига мувофиқ, “маст ҳолда транспорт воситасини бошқариш” деб баҳолаган.

Ҳайдовчи 3 йил муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Давлат фойдасига 15 миллион сўм миқдорида жарима тўлаш жазоси тайинланган.

— Қонун олдида барча тенг. Қонунбузарлик — унинг тури ва сабабидан қатъи назар — жазосиз қолмайди. Айниқса, транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш каби оғир ҳуқуқбузарликлар, нафақат, ҳайдовчининг, балки, бошқа фуқароларнинг ҳам ҳаёти ва хавфсизлигига таҳдид солади, — дейди Шухрат Тўхтаев.

Суднинг бундай қатъий қарорлари жамиятда қонунларга ҳурмат, жавобгарлик туйғусини кучайтириш, ва келгусида шундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Қиличбозлик — спорт, ақл, сабр ва олийжанобликни уйғунлаштирган мактаб. Камолиддин Раҳматов 12 йилдан буён шу спорт тури билан шуғулланади. У қиличбозликнинг ривожланиши учун муносиб шогирдлар тайёрлашга ҳисса қўшиб келмоқда. Ҳар бир машғулотда спортчилар жисмоний кучдан ташқари, тезкор фикрлаш ва тўғри қарор чиқариш қобилиятини шакллантиради.

Камолиддин Раҳматов:

“ҚИЛИЧБОЗЛИК — ТЕЛЕФОНДА ЖАНГОВОР ЎЙИНЛАРНИ ЎЙНАГАНДАН АФЗАЛ...”

Мухбир: Қиличбозликни мушкетёрлар ҳаракатига ўхшатаман...

Камолиддин Раҳматов: Қиличбозлик кишини жисмонан соғлом, ақлан чиниққан, ўз фикрини эркин ифодалай оладиган шахс сифатида тарбиялайди. Рақиб ҳаракатларини олдиндан кўра билиш ва унга қарши ҳужум ёки ҳимояланишга тайёр бўлиш кераклигини билиш билан тез фикрлаш қобилиятини оширади. Менга энг ёққан томони бу жанг тугаганидан кейин рақибга қўл бериб, ҳурмат билан майдонни тарк этасиз. Шу жиҳатдан бу спортда мушкетёрлардек олийжаноблик ҳисси сезилиб туради.

Мухбир: Бухорода сўнгги йилларда бу спорт турига қизиқиш қай даражада ошди?

Камолиддин Раҳматов: Бу спорт тури жуда тез ривожланди. Айниқса, 2021 йилда шогирдим Маржона Зубайдуллоева Ислон бирдамлик ўйинларида кумуш медалга эришганида шахсан Отабек Умаров табриклаган эди. Бу ёшлар учун катта мотивация бўлди. Шундан сўнг ёшларда ушбу спортга бўлган қизиқиш янада ортди.

Мухбир: Қиличбозлик билан шуғулланган ёшларда қандай фазилатлар ривожланади?

Камолиддин Раҳматов: Бу спорт орқали болалар виртуал ўйинлар чемпионига эмас, балки, ҳақиқий ҳаёт чемпионига айланишади. Ёшларда ўзига бўлган ишонч, ўз фикрини эркин баён этиш ва коммуникация, коллектив бўлиб ишлаш ривожланади.

Мухбир: Шогирдларингиз ҳақида сўзлаб беринг.

Камолиддин Раҳматов: Шогирдларим орасидан Осиё ва жаҳон кубоги совриндорлари, Ислон бирдамлик ўйинлари

чемпионлари етишиб чиққан. 4 нафари халқаро тоифадаги спорт устаси, 15 нафари спорт устаси ва яна 30 дан ортиқ спорт усталигига номзодлар бор. Шогирдларим Аvezбек Наимов, Аҳмаджон Файзиев, Марварид Зубайдиллоева, Азиза Ҳамидова, Асилбек Ибодуллаев, Зарина Ҳамробоева, Дилнура Ибодуллаевалар билан фахрланаман. Улар вилоятимиз нуфузини доимо елкаларида кўтариб юрадилар.

Тренер сифатида ёшлар билан ишлашда уларни, нафақат, жисмонан балки, жамиятда ўз ўрнини топа оладиган инсон қилиб тарбиялашга эътибор қаратаман. Агар рақиб ундан устунроқ бўлса, демак, чаққонлик ва зийраклик етишмаётганини тушунтираман. Ҳаётда ҳам шундай инсонлар доим ғолиб бўлишини уқтираман.

Мухбир: Бухорода қиличбозликнинг ривожига энг катта тўсиқлар нималар?

Камолиддин Раҳматов: Бу соҳада қатор муаммолар ҳам йўқ эмас. Энг оғирқиди жиҳати: спорт анжомлари қиммат ва улар саноқли. Масалан, қилич ва махсус маскалар тез синиши боис, спортчиларнинг машғулотдан

қолиб кетиш ҳолатлари учраб туради. Шунингдек, Бухорода узок йиллар қиличбозлик машғулоти йўлақларда ўтказилган. Ёзда иссиқ, қишда совуқ ҳавода болалар тез шамоллаб қолишарди. Яқинда ҳукуматимиз томонидан Бухоро олимпия марказида машғулотлар зали учун ер ажратилиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Бундан ташқари, зал тўлақонли керакли спорт анжомлари билан жиҳозланганидан бўлди. Бу эса ёшларимизни халқаро мусобақаларга тайёрлашда катта қадам бўлади.

Мухбир: Ёшларни спортга жалб қилишда қандай қийинчиликлар сезияпти?

Камолиддин Раҳматов: Айрим ота-оналарнинг бу спорт турига нисбатан бефарқлиги ёшларни жалб қилишда тўсиқ бўлмоқда. Бу телефонда турли жанговар ўйинларни ўйнагандан юз бор афзал. Чунки, спортда болаларнинг ҳам руҳий соғлиги, ҳам ақлий қобилияти ўсади. Ота-оналарнинг буни англашлари қийин кечмоқда.

Шу билан бирга, ижтимоий тармоқларда тарғибот ишларини кучайтириш, маҳаллий телевидение

ва матбуот орқали кенг ёритиш ёшларда қизиқишни янада ошириши мумкин.

Мухбир: Жамоатчиликда қиличбозликка қизиқиш пастлиги сабаблари нимада, деб ўйлайсиз?

Камолиддин Раҳматов: Қизиқиш пастлиги сабаб телевидение ёки ижтимоий тармоқларда жуда кам ёритилади. Аммо, пойтахтда биздагига нисбатан жуда кўп сонли аҳоли қиличбозлик спорт туридан хабардор.

Яқинда бир грузиялик йигит меҳмон бўлди. Сухбат жараёнида маълум бўлдики, у ҳам қиличбоз экан. Биз ҳақимиздаги маълумотларни ижтимоий тармоқлар орқали кўриб, махсус қидириб келганини айтиб, қувонтирди. У бизнинг қиличбозларимизнинг суратларини машҳур миллионер Алишер Усмонов ва Собиржон Рўзиевлар билан кўрган экан. Шундан сўнг Ўзбекистонда, нафақат, қиличбозлик спорти мавжудлигини, балки, унинг халқаро майдонда юқори натижаларга эришганини билиб, чин дилдан мамнун бўлди.

Мухбир: Қиличбозликда халқаро даражада ўз ўрнимизни топиш учун қайси муаммоларни ҳал қилишимиз лозим?

Камолиддин Раҳматов: Сўнгги йилларда давлатимиз томонидан спортга катта эътибор қаратилмоқда. Агар режалаштирилганидек керакли шароит яратилиб, спорт анжомлари билан тўлиқ таъминланса, 2028 йил Лос-Анжелес Олимпиадасида Ўзбекистон қиличбозлари, шубҳасиз, юқори натижалар кўрсатиши мумкин.

Зулфизар суҳбатлашди.



MUASSIS :
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
YOSHLAR ISHLARI
AGENTLIGINING BUXORO
VILOYATI YOSHLAR ISHLARI
BOSHQARMASI

Bosh muharrir :
Laylo HAYITOVA

Gazeta Buxoro viloyati Matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan
2017 yil 15 dekabrda 05-081 tartib raqami bilan ro'yxatga olingan.

BOSH HAMKOR:
O'zbekiston yoshlar ittifoqi
Buxoro viloyati Kengashi

TAHRIIR HAY'ATI:

Shavkat Rahmonov
Baxtiyor Adilov
Mirali Hamroyev
Mirshod Ochilov
Dilshod Yo'ldoshev
Jamol Nosirov

TAHRIIRIYAT MANZILI:
Buxoro shahri, Alisher Navoiy
ko'chasi, 20-uy.

TAHRIIRIYAT HISOB-RAQAMI:
20210000404114165001 "Agrobank"
Buxoro shahar filiali, MFO: 00089, OKONX:
87100, STIR: 203590296
Nashr ko'rsatkichi: 3051

ISSN 2181-6557



**SAHIFALOVCHI -
DIZAYNER:**
Xurshid Abdullayev

**Газета электрон
чоп этилди**

Navbatchi muharrirlar:
Zulfizar Mavlonova
Dilnavoz To'xtayeva

Hajmi 2 bosma taboq. Qog'oz bichimi A-3.

www.buxoro-yoshlari.uz сайти орқали биз билан бирга бўлинг.